ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА БИОХИЛМАХИЛЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

Н.М.Наралиева, Т.А.Мадумаров, М.Ш.Қосимов, Ф.М.Мадаминов

Ҳозирги кунда биохилмахилликни сақлаш муаммоси долзарб ҳисобланади. Мақолада Фарғона водийси ўсимликлар қопламининг экологик муаммолари таҳлил этилиб, уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар: *флора, биохилмахиллик, ўсимликлар қоплами, ботаник ҳудудлар*

Проблема биологического разнообразия в настоящее время является самой актуальной. В данной статье рассматриваются экологические проблемы и анализ растительного покрова Ферганской долины, предлагаются пути их решения.

Ключевые слова: *флора, биоразнообразие, растительный покров, ботаническая территория.*

Nowadays saving biodiversity is an actual problem in the world. In this article the ecological problems of vegetation of Fergana valley are analyzed.

Key words: *flora, biodiversity, vegetation, botanical territory.*

Бугунги кунда энг долзарб экологик муаммолардан бири биохилмахилликни сақлаб қолиш муаммоси саналмоқда. Чунки ўсимлик ва ҳайвонот оламидаги турлар хилмахиллик даражасининг пасайиши, айниқса, бу жараёнда антропоген омиллар таъсирининг кундан-кунга кучайиб бораётгани табиий экосистемаларнинг йўқ бўлиб кетиш ҳавфини янада кучайтирмоқда. Инсониятнинг табиий муҳитга салбий таъсири бугун пайдо бўлган муаммо эмас, балки бир неча минг йиллар давомида тупроқ, сув ва ҳавони ифлослантириш, ўсимлик ва ҳайвонот оламига шафқатсиз муносабат кўринишида пайдо бўлган ва шаклланиб борган.

Ўсимлик ва ҳайвонлар, хусусан, ноёб ва йўқолиб бораётган турлар муҳофазасига эътиборни кучайтириш учун 1966 йилда “Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи” томонидан халқаро “Қизил китоб” таъсис қилинган. Бир қанча давлатлар бу китобдан ўз давлати ҳудудлари учун биологик турларни муҳофаза қилиш, асраб қолиш ҳаракатларининг дастури сифатида фойдаланади, шунингдек, турли давлатлар ўртасидаги кўчиб юрувчи ҳайвонлар, дунё океанининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, чегараларо ҳудудларда учрайдиган ўсимлик ва ҳайвонларни давлатлараро келишув йўли билан муҳофаза қилиш ишларини амалга оширмоқда.

1992 йилда Рио-де-Жанейрода “Биологик хилмахиллик тўғрисидаги” халқаро Конвенция имзоланган ва ҳозирда унга дунёдаги 170 дан ортиқ давлатлар қўшилган. Ўзбекистон ўзининг барқарор ривожланиши учун биологик хилмахиллик ресурсларининг муҳимлигини эътироф этиб, 1995 йилда мазкур конвенцияни ратификация қилди. Кейинги йилларда флора ва фаунани сақлаб қолиш, ҳаёт таъминоти муҳити сифатида табиий экосистемаларни тиклаш юзасидан фаол давлат сиёсати олиб борилмоқда. Халқаро Конвенция мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаши (Назорат қўмитаси) таъсис этилган, биологик хилмахилликни сақлаб қолиш бўйича Миллий стратегия ва унинг саъй-ҳаракатлари режаси ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда манбаларда Ўзбекистоннинг биологик хилмахиллиги 27 мингдан ортиқ ўсимлик ва ҳайвон турларидан иборат деб кўрсатилади. Биологик хилмахиллик, асосан, алоҳида қўриқланадиган ҳудудларда, яъни қўриқхоналар, табиий-миллий боғлар, буюртма-қўриқхоналар ва бошқа муҳофаза қилинадиган ҳудудларда самарали сақланади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 9 та давлат қўриқхонаси, 2 та давлат миллий боғи, 9 та буюртма-қўриқхона фаолият кўрсатмоқда. Қўриқхоналар ва миллий боғларга ажратилган ерларнинг умумий майдони 20 минг кв.км.дан ортиқни, бошқача қилиб айтганда, Республика умумий ҳудудининг 4,6% ни ташкил этади. 1991 йилгача бу кўрчаткич атиги 2,5% фоизни ташкил этган, халқаро тавсияларга биноан эса бундай чегаралар ҳудуди мамлакат умумий ҳудудининг қарийб 10% ини ташкил этиши керак.

Ўзбекистонда биохилмахилликни сақлаб қолиш бўйича Миллий стратегия ва Саъй-ҳаракатлар режаси доирасида ҳозирги вақтда қуйидаги аниқ ва устувор вазифалар белгиланган:

- алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг умумий майдонини Республика ҳудудининг 10 фоизигача етказиш мақсадида бундай ҳудудларни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг бош схемасини ишлаб чиқиш, бу борадаги ишларнинг бутун тизимини такомиллаштириш;

- алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни бошқаришга интеграцион ёндашиш;

- алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларда ҳайвонот ва ўсимлик оламининг давлат кадастрлари юритилишини такомиллаштириш ҳамда бу ҳудудларда илмий тадқиқотлар олиб боришнинг давлат Дастурини ишлаб чиқиш;

- биохилмахилликдан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш; ов қилиш, балиқ овлаш, доривор гиёҳларни териш сингариларни тартибга солиш ва бошқалар; биотехнологияларни, биофармацевтика саноатини ривожлантириш.

2012-2016 йилларга мўжалланган Ф-5-19 - “Алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни танлаш - Ўзбекистонда биологик хилмахилликни ўрганиш ва сақлаб қолишнинг янги йўналиши” (Фарғона водийси мисолида) мавзусидаги грант лойиҳасининг мақсади ҳам биологик хилмахиллик тўғрисидаги Миллий стратегия ва Саъй-ҳаракатлар режасининг бажарилишига қаратилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудининг 3/1 қисми, асосан, флористик нуқтаи назардан тадқиқ этилмагани сабабли, халқаро Конвенцияда кўрсатилган ҳолатлар бўйича кам ўрганилган ҳудудлар категориясига киритилади [6]. Фарғона водийси нафақат республикада, балки Ўрта Осиёда ҳам аҳоли энг зич жойлашган ва антропоген омиллар таъсири атроф-муҳитга кучли даражада таъсир кўрсатадиган ҳудуддир. Энг муҳим жиҳати шундаки, бу табиий-географик ҳудуд ўзига хос флора ва ўсимликлар қопламига эга. Шу сабабли бу жойда табиий экосистемаларни сақлаб қолиш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини илмий асосда тадқиқ этиш, бир сўз билан айтганда, инсон ва табиат ўртасидаги фойдали ва мақбул муносабатларни қайта тиклаш ўта муҳимдир.

Фарғона водийси бўйича олинган энг сўнгги флористик маълумотлар М.М.Арифхоновага тегишли бўлиб [1], унга кўра, бу ҳудуд флорасини 2625 ўсимлик тури ташкил этади. Ҳозирда эса Фарғона водийсининг табиий ўсимликлар қоплами, жумладан, ноёб ва йўқолиб кетиш арафасида турган ўсимлик турларининг аниқ сони тўғрисида маълумотлар деярли йўқ.

Водийнинг тоғли ҳудудларидаги арчали ва ёнғоқли ўрмонларнинг бир неча баробар қисқариши оқибатида тупроқ эрозияси ҳамда турли табиий офатлар кучая борди, бу ўрмон табиий экосистемаларининг бузилишига олиб келди. Айниқса, дарахт ва буталарнинг аёвсиз кесилиши, тоғолди ва тоғли ҳудудларнинг ўзлаштирилиши, чорва молларини боқишда яйлов ва ўтлоқзорлардан режасиз фойдаланиш каби омиллар мавжуд табиий экосистеманинг емирилишига сабаб бўлди. Айрим манбаларда атроф табиий муҳитга антропоген омиллар салбий таъсирининг кучайиши аҳоли яшаш жойларига яқин табиий ўтлоқзорларда турли-туман бегона ўтларнинг ҳаддан зиёд кўпайиб, юқори тоғ ва тоғолди яйловларнинг кучли деградацияга учрашининг асосий омили, деб таъкидланади [3,4].

Фарғона водийси ўсимликлар қопламининг илмий манбалар ва олиб борилган дала тадқиқотлари асосидаги таҳлиллари шуни кўрсатадики, энг аввало, ҳудудда табиий муҳитга таъсир кўрсатувчи асосий антропоген омилларни аниқлаш, таҳлил қилиш, ўрганиш ва мақбул ҳолатда қатъий чора-тадбирлар белгилаш зурурдир. Шу нуқтаи назардан Фарғона водийсида биохилмахилликни сақлаб қолишнинг асосий муаммоларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Тоғ ва тоғолди ҳудудларида чорва молларининг муттасил ўтлатилиши

Бу муаммо нафақат водий, балки Республикамиздаги асосий экологик муаммолардан биридир. Биохилмахилликни сақлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг бешинчи Миллий маърузасида табиий ҳудудларда чорва молларининг боқилиши биринчи ўринда яйловлар деградациясига (44%) олиб келади, дейилади. Бу муаммонинг оқибати, айниқса, яйлов ва ўтлоқзорлар ҳосилдорлигининг пасайиб кетишида аниқ кўзга ташланади. Деградацияга учраган тоғолди ўтлоқзорларидаги мавсумий ҳосилдорлик 3-3,5 ц/га дан 5-5,5 ц/га чани ташкил этади [4].

Лойиҳа доирасида олиб борилган дала тадқиқотлари асосида айтиш мумкинки, водийнинг тоғолди ҳудудларидаги ўсимликлар қоплами бутунлай ўзгарган. Бу ҳолатни Наманган вилояти Поп ва Чуст туманлари ҳудудидаги тоғолди ўтлоқзорлари мисолида яққол кўриш мумкин. Шу каби ҳолатлар Поп туманининг Чоркесар ва Чодаксой ҳавзаларида жойлашган табиий ўтлоқзорларда ҳам кузатилади. Тоғолди ҳудудлари учун характерли хилма-хил озуқабоп, ем-хашак ўсимликларининг ўрнини *Artemisia dracunculus L., Origanum tyttanthum Gontsch., Eremurus regelii Vved., E. fuscus (O. Fedtsch.) Vved., Rosa kokanica (Regel) Regel ex Juz., R. ecae Aitch.* каби бегона ўсимликлар бутунлай эгаллаган. Натижада бу майдонлардаги ем-хашак ҳосидорлиги 5 ц/га дан ошмайди [5].

Табиий ландшафтларнинг ўзлаштирилиши.

Фарғона водийси флорасида табиий ўсимликлар сони ва популяциялари йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби ишлаб чиқариш (тоғ-кон саноати, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва б.), қишлоқ хўжалиги (чорвачилик ва янги ерларни ўзлаштириш), темир йўл ва автойўл инфраструктурасининг ривожланиши кабилардир.

Фарғона водийсида мавжуд табиий экосистемалар деярли ўзлаштириб бўлинган. Айниқса, тоғли ва тоғолди ҳудудларда аҳоли ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида йилдан-йилга юқорига қараб ҳаракатланиб бораётганини Чодаксой қишлоғи мисолида яққол кўриш мумкин.

Дарахт ва буталарнинг кесилиши.

Табиий ўрмонларни ҳосил қилувчи дарахт ва буталар, асосан, Фарғона водийсининг тоғли ҳудудларида трансформацияга учраган. Бугунги кунда тоғ минтақасининг доминантлари ҳисобланган дарахт ва буталарнинг аҳоли томонидан аёвсиз кесилиши натижасида қайинзорлар, ёнғоқзорлар йўқ бўлиб кетган. Фарғона водийсининг шимолий қисмидаги Қайинлисой ва Чодаксой ҳавзаларидаги катта-катта майдонлардаги дарахтзорлардан ҳозирги кунда атиги 40-42 тупдан дарахт ва буталар қолгани фикримизнинг далилидир.

Антропоген ҳудудларнинг кенгайиши оқибатида инвазив ўсимликларнинг кўпайиши.

Инвазив ўсимликлар долзарблиги ва аҳамияти нуқтаи назаридан ўрганишга эҳтиёж кучайиб бораётган экологик гуруҳ ҳисобланади. Лойиҳа доирасида олиб борилган дала тадқиқотлари шуни кўрсатадики, Фарғона водийсида инвазив ўсимликлар ареали кенгайиб бормоқда. Жумладан, Қоқиўтдошлар оиласига мансуб майдагулли галинсога (*Galinsoga parviflora Cav.*)нинг ареали айнан антропоген омиллар таъсирида кенгайиб бораётганини К.Ш.Тожибоев [4] тадқиқотларида кўриш мумкин. Ваҳоланки, бу тур аввалги илмий манбаларда, ҳаттоки Чодаксой ҳавзасининг умумий флористик рўйхатида ҳам берилмаган. Ҳозирда эса галинсога шиддат билан кенг тарқалиб, Чодаксой ҳавзасида катта-катта майдонларни эгаллаб, монодоминант жамоалар ҳосил қилмоқда.

Чиннигулдошлар оиласига мансуб *Spergularia rubra (L.) J. et C. Presl.* ҳам прогрессив тарқалувчи инвазив ўсимлик сифатида Ўрта Осиёга 2000 йилларда Россиядан кириб келган ва Қирғизистон флораси учун янги тур сифатида қайд қилинган [2]. Ўзбекистон ҳудудида айнан Фарғона водийсининг (Чодаксой ҳавзаси) юқори адир минтақаларидан терилган. Яйловлардан меъёридан ортиқ фойдаланиш оқибатида водийнинг тоғ ва тоғолди минтақаларида бир қанча ўсимликлар инвазив тур сифатида ареалларини кенгайтириб бораётгани маълум бўлди. Жумладан, шундай ўсимликларга канада конизаси (*Conyza canadensis (L.) Cronq.*), тиконли пикномон (*Picnomon acarna (L.) Cass.*), туркистон сафлори (*Carthamus turkestanicus Popov*), кичкина белена (*Hyoscyamus pusillus L.*), қора белена (*Hyoscyamus niger L.*) кабиларни киритиш мумкин.

Олиб борилган изланишлар натижалари Фарғона водийсида биохилмахилликни сақлаб қолиш ва муҳофаза қилиш мақсадида алоҳида аҳамиятга эга ҳудудларни ажратиш муҳим вазифалардан бири эканлигини кўрсатади. Бу Ўзбекистонда биохилмахилликни сақлаб қолишнинг янги йўналиши бўлиб, унинг асосий мақсадини табиий ландшафтларни асраш, қайта тиклаш, ҳудудга хос фауна ва флорани асраб қолиш ташкил этади.

Адабиётлар:

1. Арифханова М.М. Растительность Ферганской долины.- Т., 1967.- 294 с.

2. Лазьков Г.А., Турдиматова Н.К. Редкие и новые для Киргизии виды *Allium (Alliaceae)* // Бот.журнал.- 2010.- Т.95.- №11.- С.1637-1639.

3. Махкамов Т.Х. Рудеральная флора и растительность Ферганской долины: Автореф. дис. … канд. биол. наук. – Т., 2009. – 22 с.

4. Тожибаев К.Ш. Флора Юго-Западного Тянь-Шаня (в пределах Республики Узбекистан).- Т.: Фан, 2010.- 100 с.

5. Тожибаев К.Ш. Чодаксой ҳавзасининг ўсимликлар қоплами ва ўтлоқлари: Автореф. дис…канд. биол. наук.- Т., 2002.- 19 б.

6. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. О проекте ботанико-географического районирования Узбекистана // Биохилмахилликни сақлаш ва ривожлантириш муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Гулистон, 2012.- С.6-14.

Андижон давлат университети,
2015 йил 28 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Қ.Тожибоев)